**2005 YIL 11 OKTABR, SESHANBA**

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 124 (6.961). Sotuvda erkin narxda

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Вакиллар палатасига сайловда Япония Либерал-демократик партияси ғалаба қозониши ҳамда менинг Япония Бош вазири лавозимига қайта сайланишим муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари йўллаган самимий табрикни беҳад миннатдорлик билан қабул қилганимни маълум қилиш шарафидан бахтиёрман.

Ўзбекистон билан Япониянинг икки томонлама дўстона алоқалари янада мустаҳкамланиб бораверишини чин дилдан истайман. Шу билан бирга, Ўзбекистон Японияни БМТ Хавфсизлик кенгаши доимий аъзолигига қабул қилиниши масаласида қатъият билан қўллаб-қувватлаб келаётгани учун улкан миннатдорлигимни изҳор этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

**Камоли эҳтиром билан,**
**Жунъитиро КОИДЗУМИ,**
**Япония Бош вазири**

# Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси иштирокчиларига

Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси иштирокчилари ва меҳмонларини чин дилдан қутлайман.

Бугун очилаётган ярмарка Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган кенг миқёсли иқтисодий ислоҳотлар самараси бўлиб, мамлакатимизнинг жаҳон пахта бозоридаги энг етакчи иштирокчилардан бири сифатида нуфузи тобора ошиб бораётганидан далолат беради.

Пахта тайёрлаш ва қайта ишлашни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш кейинги йилларда экспорт қилинаётган пахта толаси сифатини анча оширишимизга имкон берди. Пахта толасини халқаро стандартларга мувофиқ сертификация қилишнинг янги тизими жорий этилди. Барча хизмат турларига эга бўлган ҳамда маҳсулотни сифатли сақлаш ва ортиб жўнатишни таъминлайдиган минтақавий терминаллар тармоғи тарзидаги пахта сотишнинг замонавий инфратузилмаси яратилди.

Шуни қайд этиш муҳимки, биз катта ресурсларга эга бўлган ҳолда, пахтани чуқур қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш билан бир қаторда чет элларда пахта толасини сотишнинг самарали шакл ва усулларини такомиллаштиришга, маҳсулот экспорт қилиш географиясини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Кейинги йилларда Осиёнинг Хитой, Ҳиндистон, Корея Республикаси ва бошқа муттасил ривожланиб бораётган давлатлари тўқимачилик корхоналарининг юқори сифатли ўзбек пахта толасига бўлган эҳтиёжи тўхтовсиз ошиб бораётганлиги ва экспорт ҳажмлари барқарор ўсаётганлиги эътиборга моликдир.

Биз пахта экспорти соҳасида шерикларимиз билан нафақат жорий йил, балки кейинги йиллар ҳосили учун ҳам контрактлар тузишга асосланган ҳамкорликнинг мустаҳкам тизимини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга интилишимиз ва бунга тайёрлигимизни таъкидлаб ўтиш лозим.

Жаҳондаги барча етакчи пахта трейдерлари Тошкентда ўтказилаётган Ўзбекистон пахта ярмаркасида иштирок этиш ҳақидаги таклифни қабул қилганликлари диққатга сазовордир. Ишончим комилки, мазкур ярмарка ўзбек пахтасини экспорт қилиш борасида Ўзбекистоннинг ва ҳамкорларимизнинг узоқ муддатли манфаатларига мос келадиган янги, самарали воситаларни ривожлантиришга, истиқболда янада ишончли, барқарор иқтисодий муносабатлар ўрнатиш учун мустаҳкам асос яратишга хизмат қилади.

Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси иштирокчиларига омад ва ишларига самара тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**













СУРАТЛАРДА: пахта ярмаркасидан лавҳалар.
**Ф.КАЛОНОВ олган суратлар.**

# Тошкент жаҳон пахта савдоси марказига айланди

***10 октябрда Тошкентда очилган Биринчи Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркасида 26 мамлакатдан келган 200 дан ортиқ компания ва фирма вакиллари иштирок этмоқда. Ярмарка Ўзбекистон ҳукумати томонидан Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси ва ушбу соҳада энг нуфузли нашрлардан бири «Cotton Outlook» журнали билан биргаликда ташкил этилди.***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси иштирокчиларига табригини Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Р.Азимов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон пахта толасини етиштириш бўйича йирик давлатлардан бири ҳисобланади ва юқори сифати туфайли бу пахта жаҳон бозорида харидоргирлиги билан ажралиб туради, деди Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ярмаркани очар экан. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, иқтисодиёт, жумладан қишлоқ хўжалиги тармоғида туб бозор ислоҳотлари амалга оширила бошланди. Президент Ислом Каримов иқтисодиётимизнинг асосий соҳаларидан бири бўлган пахтачиликдаги изчил таркибий ўзгаришларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу республикамизда етиштирилаётган пахта толасининг сифатини ва демакки давлатимиз экспорт салоҳиятини анча ошириш имконини берди. Биринчи Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси ушбу салоҳиятни янада ривожлантириш, кўплаб давлатларнинг пахтачилик ва тўқимачилик саноати вакиллари билан тўғридан-тўғри савдо қилиш ҳамда узоқ муддатли шартномалар тузиш орқали пахтамиз етказиб бериладиган мамлакатлар сонини кўпайтириш, шунингдек, ўзбек пахтасининг жаҳон бозорида нуфузи ва рақобатбардошлигини янада оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон дунёда пахта етиштириладиган энг шимолий ҳудуд ҳисобланишига қарамай, кейинги уч йил давомида ўзбек толаси жаҳон бозорида энг сифатлилиги ҳамда харидоргирлиги билан шуҳрат қозонмоқда. Бозор ислоҳотлари шароитида пахта етиштириш ва қайта ишлашга ёндашув ҳам ўзгарди. Фермер хўжаликларининг ривожланиши қишлоқ меҳнаткашлари манфаатдорлигини ҳам оширмоқда. 2007 йилга келиб фермер хўжаликлари улуши пахтачиликда 85 фоизга етиши керак. Шунингдек, фаолият кўрсатаётган пахта тозалаш заводлари қайта жиҳозланмоқда ва энг илғор технологиялар асосида янгилари барпо этилмоқда. 2005 йил мавсуми олдидан 17 та пахта заводи модернизация қилинди. 2006-2010 йилларда яна 40 та корхонани реконструкция қилиш кўзда тутилган. Бу эса тола чиқишини ошириш ва сифатини яхшилаш имконини беради.

(Давоми 2-бетда)

# Ҳукуматлараро комиссия мажлиси

***10 октябр куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясининг Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бошланди.***

Комиссия ҳамраислари - Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Султонов ҳамда Россия Федерациясининг Саноат бўйича федерал агентлиги раҳбари Б.Алёшин бошқарган мажлисда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бу борада икки мамлакат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларида эришилган келишувлар муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Санкт-Петербург шаҳридаги учрашуви натижалари муносабатларимизни янги босқичга кўтариш учун ҳуқуқий асос бўлиши алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон ва Россиянинг ўзаро муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилган. Бунда 2004 йилнинг июнь ойида Россия раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида Ислом Каримов ва Владимир Путин имзолаган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома муҳим ўрин тутади. Ушбу ҳужжат барча йўналишларда, жумладан, савдо-иқтисодий соҳада ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга қаратилган.

Ўзаро иқтисодий ҳамкорлик кўламини таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларга барҳам бериш, келгусида йирик режаларни белгилашда эса Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Россия ҳукуматлараро комиссияси фаолиятининг аҳамияти айниқса муҳим. Ислом Каримов ва Владимир Путиннинг 2003 йил августда Самарқандда ўтган учрашувида комиссияга савдо-иқтисодий муносабатлар ҳолатини бугунги шароит нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш ва ривожлантиришнинг амалий чора-тадбирларини ишлаб чиқиш вазифаси топширилган эди. Ўтган давр мобайнида савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилди.

Бунинг амалий натижалари рақамларда яққол намоён бўлади: 2005 йилнинг биринчи чораги натижаларига кўра, Ўзбекистоннинг ташқи савдо алоқаларининг жаҳондаги 19 фоизи, МДҲ миқёсида эса ярмидан кўпроғи Россия ҳиссасига тўғри келмоқда. 2004 йилда ўзаро савдо ҳажми 2003 йилдагига нисбатан 42,9 фоиз ошиб, қарийб 1 миллиард 642 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилнинг дастлабки етти ойига доир кўрсаткич эса 2004 йилнинг шу даврига нисбатан 38,4 фоиз ўсиб 1 миллиард 337 миллион доллардан кўпдир.

Мамлакатларимиз ўртасида савдо-сотиқ, телекоммуникация, энергетика, суғурта, банк-молия соҳаларида ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Россия сармояси иштирокида тузилган 400дан ортиқ қўшма корхона мамлакатимизнинг озиқ-овқат, дори-дармон, ёғочни қайта ишлаш, электротехника, қурилиш материаллари, машинасозлик саноатида, халқ хўжалигининг кўплаб бошқа муҳим соҳаларида фаолият кўрсатмоқда. Россияда Ўзбекистон сармояси иштирокида тузилган 267 қўшма корхона фаолият юритаётир.

(Давоми 2-бетда)

# Ҳақиқат эгилади, лекин синмайди

МУНОСАБАТ

***Истиқлол йилларида мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида қонунийликни қарор топтириш, инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишнинг асосий кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.***

Асосий қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди. Ўз қадрини, ҳақ-ҳуқуқини биладиган, ор-номуси баланд халқимиз чет эллардан «ақл ўргатиш», «адолат ўрнатиш» учун келадиган «ҳимоячи»ларнинг хизматига муҳтож эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида жорий йилнинг 12-13 май кунлари Андижонда террорчилик ҳаракатлари ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланаётган 15 нафар судланувчига оид жиноий иш бўйича суд жараёнининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан пухта, холис, очиқ, ошкора, адолат ва ҳақиқат устуворлиги тамойилларига таянган ҳолда ўтаётгани юқоридаги фикрларимизни яна бир бор тасдиқлайди.

Судланувчилар, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатмаларидан аён бўлмоқдаки, бир гуруҳ ақидапарастлар Андижонда террорчилик ҳаракатларини содир этар экан, биринчи навбатда, халқ сайлаган конституциявий ҳокимиятни ағдариб, халифалик тузишни мўлжаллаган.

Андижонда рўй берган фожиали воқеалар фаол иштирокчиларининг иқрорлари, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг шу кунгача берган кўрсатмалари аввалбошда ўзларини «зиёли тадбиркор» қилиб кўрсатган кимсаларнинг ҳақиқий қиёфасини фош этди.

Ваҳолонки, инсон ҳуқуқлари муҳофазаси билан шуғулланувчи баъзи хорижий ташкилотлар ва демократия масаласида «анча илгарилаб кетган» айрим давлатларнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари апрелнинг охири ва май ойининг бошларида «Андижонда «Акромийлар» эмас, 23 нафар оддий тадбиркорнинг суди бўлаётир» қабилида уйдирмалар тарқатган эди.

Андижон воқеаларида фаол иштирокчи бўлгани учун эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинган ва суд жараёнида гувоҳ сифатида кўрсатма берган Ҳасан Шокировнинг айтишича, у 1995 йили акаси Шариф Шокировнинг даъватига кўра «Акромийлар» оқимига киради. Унинг акалари Шариф ва Шавкат ушбу оқим раҳнамоси Акром Йўлдошевнинг яқинларидан бўлган. Улар аъзоси ҳисобланган «ижодий ҳалқа» иштирокчилари 9 май куни Толиб Қобиловнинг уйига йиғилади.

«Шариф акам мени компьютерим билан бирга олиб борди, -дейди Ҳ.Шокиров.- У ерда мен суд, пост-патруль хизмати батальони ва ҳарбий қисмларнинг М.Собиров томонидан қўлда чизилган ички жойлашув чизмаларини компьютерда тайёрлаб бердим. 12 май куни бизнинг уйимизда бўлган жалақудуқлик Н.Дадахўжаев бошчилигидаги ўн нафар «акромийлар»га пост-патруль батальонига ҳужум режасини тушунтиришаётганини эшитдим».

13 май куни эрта тонгда етти нафар қариндош аёлларни вилоят ҳокимлиги олдидаги майдонга олиб борган Ҳ.Шокировга акаси Шариф бир варақ қоғозни узатиб, Интернет орқали «Фергана.-РУ» сайтига жўнатиш зарурлигини айтади. «Унда тинч аҳоли намойиш қилаётганда ҳукумат аскарлари ўққа тутгани айтилган бўҳтон гаплар ёзилган эди, - дейди Ҳ.Шокиров. - Тушдан сўнг етти қаватли бинонинг киравериш жойида Шариф акам хорижий журналистлар - Бухарбаева Галима ва Багилага интервью берди».

Ҳ.Шокиров бир неча юз киши билан Қирғизистонга қочиб ўтганидан сўнг, ўзининг ибораси билан айтганда, «олдиндан тайёрлаб қўйилган палаткалар»да яшайди. «Бу ерга Би-Би-Си, «Озодлик», «Вашингтон пост», «Нью-Йорк таймс»дан мухбирлар келди, - дейди у. - Шахсан ўзим «Вашингтон пост», «Нью-Йорк таймс» мухбирларига интервью бердим. Тан оламан, бўлмаган гапларни бўлди, деб ёлғон гаплар айтиб, туҳмат қилдим».

(Давоми 2-бетда)

# Қашқадарёнинг катта карвони

СУРУР

***Энг кўп пахта етиштириладиган ҳудуд сифатида тилга олинган Қашқа воҳасининг азамат деҳқонлари зафар маррасига етиб келдилар.***

Барпо қилинган залворли хирмон салобати эртасидан умидвор элнинг ёруғ кунларига, фаровонлигига гувоҳлик бериб турибди.

Қашқадарё – азалдан пахтага кон замин. Бу ҳудудда пахтанинг кўп етиштирилиши ерининг, сувининг зўрлигидан эмас, балки деҳқоннинг тадбиркорлигидан, ишбилармону меҳнатсеварлигидан, десак муболаға эмас. Бугун уйилган 426 минг тоннадан зиёд "оқ олтин" ҳам воҳа деҳқонлари, пахтачилик мутахассислари ва олимлари ҳамкорлиги туфайли, десак янглишмаймиз. Энг муҳими, нима? Муҳими, 426 минг тонна пахтанинг ҳаммаси – охирги мисқолигача биринчи навга қабул қилинганидир.

– Бунинг омили эса пахта етиштирилган 167 минг гектар ернинг асосий қисми фермерлар ихтиёрига берилганида, – дейди вилоят ҳокимининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Асрор Усмонов. – Шу боис тайёрланган пахтанинг 85 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келди.

Кўриниб турибдики, воҳада пахтачилик соҳасида фермерликнинг ўзига хос мактаби яратилди. Бугунги фермер шунчаки кўпроқ пахта етиштиришни режалаштирмайди, балки сифатлироқ, толаси пишиқ, майин пахта саранжомлаб олишни олдига мақсад қилиб қўяди. Бунинг сабаби оддий. Бозор иқтисодиёти сифат билан ҳисоб-китоб қилади.

Нави яхши, тоза ва ҳар жиҳатдан сифатли пахтанинг харидори кўп. Нархи баланд. Бу фермер учун жарақ-жарақ пул дегани.

(Давоми 2-бетда)

## НАВОИЙ: Фермерлар улуши – 70 фоиз

МАВСУМ

***Навоий вилояти пахтакорлари кўзланган манзилга барвақт етиб келдилар.***

Қизилтепа, Хатирчи, Навбаҳор, Кармана туманлари заршунослари мамлакат хирмонига 110 минг тоннадан ортиқ сифатли хомашё етказиб бердилар. Ҳосилдорлик гектар бошига 28 центнерни ташкил этди.

Ҳосилнинг 86 фоизи юқори навларга сотилиб, пахтачиликдан 34,6 миллиард сўм даромад олинди. Бу ўтган йилдагидан 5,6 миллиард кўп демакдир. Ғўза дефолиациясининг муҳим агротехник тадбир деб қабул қилиниши ҳамда табақалаштирилган муддатларда ўтказилиши натижасида пахта хомашёсини юқори навларга сотиш ҳисобидан ўтган йилга нисбатан 19,3 фоизга ортиқча даромад олинди.

(Давоми 2-бетда)

BANK

ХАЛҚ БАНКИ
сизнинг
оилангиз банки

# «Тўлови чақса, ёқманг!..»

ЖАРАЁН

***–Эшик шаҳд билан очилиб, хонага пўрим кийинган, важоҳатидан от ҳуркадиган, салобатли бир киши кириб келди. У дабдурустдан "Светни нимага ўчирдинг?" дея ўдағайлаб кетса бўладими? Ўзингизни сал босиб олинг-да, масала моҳиятини тушунтириб беринг дедим.***

Маълум бўлишича, келган одам катта бир ташкилотда раҳбар экан. Нурчиларимиз электр ҳақини ўз вақтида тўламагани учун уларнинг светини ўчириб қўя қолишган экан, - дейди Сирдарё вилояти электр тармоқлари очиқ акциядорлик жамияти бош директори Абдужаббор Ражабов. – Сўнгги пайтларда айрим кимсалар, корхона ва ташкилот раҳбарлари томонидан электр энергиясидан ғайриқонуний фойдаланиш, уни талон-торож қилиш ва фойдаланган электр энергияси учун ҳақини тўламаслик каби ҳолатлар кўпайиб кетди. Ваҳоланки, ҳукуматимизнинг 2003 йил 5 ноябрдаги "Электр, иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш интизомини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида мутасадди ташкилот раҳбарларининг бу борадаги вазифалари аниқ белгилаб берилган. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг "Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "Электр энергияси сотилиши ҳамда ундан фойдаланишни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари чиқди. Тўғри, нурчиларимиз ҳукумат қарори асосида талабни қаттиқ қўйишларига тўғри келмоқда. Жумладан, тўлов муддатлари ўтиб кетган истеъмолчиларни тармоқдан узиб қўйиш амалиёти кенг қўлланилмоқда.

(Давоми 3-бетда)

# Отажоннинг оташин қўшиқлари

ХОТИРА

***Қарийб қирқ йил аввал 23 яшар ҳофиз Отажон Худойшукуров қўшиқларидан тузилган грампластинка чиқарилди. Унда халқ қўшиқлари ва мумтоз ашулалардан намуналар битилган эди.***

Бу бетакрор айтимлар ҳануз назардан қолган эмас. Лекин унинг ижросидаги бир асар ҳақида алоҳида тўхталмоқчимиз. Бу умрбоқий наволардан бири "Хоразм сегоҳи"-дир. Ёш ҳофиз уни шундай маҳорат билан талқин этганки, бу ижродан ҳамон фақат ҳайратланиш мумкин. Чинакам санъат чексиз мўъжизага ўхшайди, унинг сир-асрорини ўлчайдиган тош-тарози йўқ, бу мўъжиза олдида ёш-қарилик ҳам важ эмас экан.

Отажон "Сегоҳ"ни айтиб даврага чиққанида, Хоразмнинг мақом устозлари, забардаст ҳофизлари Ҳожихон Болтаев ва Комилжон Отаниёзовлар ҳали ижод чўққисида эди. Ҳожихон ота талқинидаги "Сегоҳ"ларнинг бир қанча вариантлари мухлисларга маълум. Комилжон ака ҳам уни ўзгача ҳарорат билан дўндириб қўйган. Уларнинг ижролари бенуқсон, ҳар жиҳатдан маромига етказиб айтилган. Лекин Отажон "Сегоҳ"и ҳам ўзгача бир олам. Чиндан ҳам бу барча ижролар бетакрор, ҳар бирининг қадр-қиммати ўзида. Уларда овоз санъати ва мақом санъати уйғунлашганини ҳис қиламиз. Созга мойил овознинг ўзи илоҳий неъмат. Шарқда гўзал овозга доим эътибор билан қаралган. Ҳожихон, Комилжон, Отажон – ноёб овоз эгалари ижросида "Ушшоқ", "Наво", "Сегоҳ" каби мумтоз наволарни қанча эшитсак ҳам халқ ибораси билан айтганда, меъдага тегмайди, зериктирмайди.

(Давоми 4-бетда)

| | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| УзРТСБ Биржевые котировки сум/кг | БЕНЗИН (76) 464,7 ▲ + 0,06 | БЕНЗИН (80) 486,2 ▲ + 7,8 | БЕНЗИН (91) 536,2 ▲ + 0,01 | ДИЗ.ТОПЛИВО 287,6 ▲ + 3,6 | МАЗУТ 78,5 ▲ + 4,9 | СЖ.ГАЗ 263,4 ▼ - 15,0 | МАСЛО ХЛОПК. 818,7 ▲ + 2,6 | САХАР 617,4 ▲ + 26,8 | МУКА выс.сорт 280,0 ▼ - 14,0 | |

# Тошкент жаҳон пахта савдоси марказига айланди

(Боши 1-бетда)

Чет эллик харидорларга пахта етказиб бериш, шу жумладан «Ўзпахтасаноат» уюшмасининг ҳудудий бирлашмаларидан тола сотиб олиш, сертификатлаш, сақлаш, суғурталаш ва экспорт ҳажмларини транспортда ташиш тизими такомиллаштирилмоқда. Бунинг учун жойларда пахта терминаллари ташкил қилинди, жаҳон амалиётида қабул қилинган ҳисоб-китоб шакл ва тизимлари жорий этилди. Ўзбекистоннинг ташқи савдо компанияларига, замонавий ва самарали савдо услубларини қўллаган ҳолда ҳамда жаҳон нархларидан келиб чиқиб, ўз маркетинг стратегиясини мустақил белгилаш ва пахта толасини сотиш ҳуқуқи берилди. Буларнинг барчаси республикамизда етиштирилаётган барча тола ассортиментини экспорт қилиш билан бирга, унинг халқаро бозордаги нархи юқори бўлишини таъминлаш, уни сотиш географиясини кенгайтиришга ёрдам беради. Бугун ўзбек пахтаси Хитой, Россия, Эрон, Бангладеш, Корея Республикаси, Вьетнам ва бошқа давлатларга экспорт қилинмоқда.

Глобал иқтисодий тизимдаги таркибий ўзгаришлар жаҳон пахта саноатини ҳам четлаб ўтмади. Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида жадал ривожланаётган тўқимачилик саноати юқори сифатли хомашёга муҳтож. Шу сабабли уларнинг ўзбек пахтасини сотиб олишдан манфаатдорлиги ортмоқда. Шунинг учун янги транспорт йўлакларини барпо этиш зарурати пайдо бўлмоқда. Ҳозирги кунда трансафғон ва трансхитой йўлаклари яратилмоқда. Бу йўлакларнинг ҳар биридан фойдаланиш маҳсулот ташиш харажатларини 20 фоизгача камайтириш имконини беради. Айни пайтда Шимоли-Ғарбий йўналиш - Россия станциялари ва Болтиқбўйи бандаргоҳларидан фойдаланиш давом этади.

Бироқ, Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал ривожланиши пахтани ўзимизда қайта ишлашни кўпайтириш ва қўшимча қиймати юқори тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантиришни талаб этмоқда. Масалан, 1990 йилда пахтани қайта ишлаш ҳажми атиги 3 фоиз эди, 2004 йилда эса у 28 фоизни ташкил этди. 2008 йилда бу кўрсаткични 51 фоизга етказиш мўлжалланмоқда. 2005-2008 йилларда Тўқимачилик саноатини ривожлантириш дастури амалга оширила бошланди. Ушбу дастур доирасида 1,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этган ҳолда, 94 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган.

- Президент Ислом Каримов юритаётган оқилона сиёсат самараси ўлароқ, Ўзбекистон жаҳон пахта бозорида жуда юксак обрў қозонди, етакчи ўринларни эгаллади,- деди ярмарканинг очилиш маросимида Жанубий Кореянинг «ДЭУ Интернейшнл Корпорейшн» компанияси президенти Ли Тае Енга. Биринчи Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркасининг ўтказилиши жаҳон пахта бозорининг барча иштирокчилари учун катта, тарихий воқеа бўлиб, Буюк ипак йўли тикланганлигининг яққол далилидир. У тола сифатини янада оширишгагина эмас, балки бутун пахта бизнесини ривожлантиришга ёрдам беради. Корпорациямиз сўнгги йилларда тузилган шартномаларга мувофиқ Ўзбекистондан 1 миллион тоннадан ортиқ тола сотиб олди.

Ярмарка дастури жуда бой. Ўзбек пахтасининг хорижий истеъмолчилари билан республикамиз пахта саноати вакилларининг кўплаб учрашувлари бўлиб ўтмоқда, бундай тадбирларда ҳамкорликнинг мақбул шартлари муҳокама этилмоқда. Ярмаркада улар учун ўзбек пахтасининг сифат хусусиятлари ва пахтани етиштириш, сотиш ва логистика соҳасидаги сўнгги янгиликлар билан танишиш имконияти яратилган. «Ўзэкспомарказ»да очилган селекция навлари кўргазмасида ярмарка қатнашчилари 2005 йил ҳосили намуналари билан танишиши мумкин. Музокаралар натижаларига кўра, 2005 йил ҳосили учун шартномалар ва узоқ муддатли битимлар тузилади.

xxx

Ярмарка давомида биз унинг бир неча қатнашчилари билан суҳбатлашдик.

**«Cotton Outlook» халқаро нашри бош муҳаррири Рей Батлер:**

- Биринчи Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси ҳақида жаҳон жамоатчилигини хабардор қилишда иштирок этиш таклифидан хурсандмиз. Бу ерда кўпгина мамлакатлардан энг йирик пахта истеъмолчилари вакиллари тўплангани Ўзбекистоннинг жаҳон бозорида мавқеи юксалиб бораётгани ва унинг иқтисодий салоҳияти ўсаётганидан дарак беради. Мен мамлакатингизда биринчи марта 1992 йилда бўлган эдим. Бугун Ўзбекистон пахта экспорти бўйича жаҳоннинг етакчи мамлакатларидан бирига айланди. Мазкур ярмарка республиканинг экспорт имкониятларини кенгайтириш, янги алоқаларни йўлга қўйиш, янги битимлар тузиш имконини беради. Ўзбекистонда замонавий бозор инфратузилмаси яратилган - хомашё ва товар биржалари фаолият кўрсатмоқда, бозорни зарур ахборот билан таъминлаш учун илғор телекоммуникация технологиялари қўлланмоқда. Ўзбек пахтасининг жаҳон бозоридаги нуфузини янада ошириш учун мамлакатингизда катта имкониятлар бор. Бундай юксак даражадаги пахта ярмаркасининг ташкил этилиши - бу соҳада халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун яхши асосдир. Бу воқеа «Cotton Outlook» журналида кенг ёритилади. У бутун дунё бўйлаб тарқатилгани боис, ўзбек пахтасининг имкониятлари билан янада кўпроқ харидорлар танишади.

**Хитойнинг «НунКэнь» импорт-экспорт корпорацияси бош директори Лян Вэнь Ин:**

- Биз Ўзбекистондан 5 йилдан бери пахта толаси сотиб оламиз. Йилдан-йилга харид ҳажми ортмоқда. Хитойдаги энг катта трейдер сифатида ўзбек пахтасини мамлакатимиздаги кўплаб ишлаб чиқарувчиларга етказиб берамиз. Улар орасида компаниямиз корхоналари ҳам бор. Бу галги ярмаркада 100 минг тонна толага шартнома тузишни мўлжаллаяпмиз. Келгусида ҳам ҳамкорлик қилишдан умидвормиз. Чунки ўзбек пахтаси юқори сифати билан ажралиб туришидан ташқари, мамлакатингизда импорт қилувчилар учун қулай шароит яратилган. Ўзбекистон иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда ишончли ҳамкордир.

**Ҳиндистоннинг «Нахар экспорт лимитед» компанияси бош директори Гуршаран Дхиман:**

- Компаниямиз енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаради. .Тайёр тола истеъмоли 100 минг тоннани ташкил этади. Биз илгари ҳам юқори сифати билан ажралиб турадиган ўзбек пахтасидан фойдаланар эдик, аммо шу пайтгача уни «учинчи қўл»дан, бошқа мамлакатлардаги трейдерлардан сотиб олардик. Ярмаркада қатнашиш Ўзбекистондаги пахта етказиб берувчилар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш, компаниямизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш имконини беради.

**А.ИВАНОВА,**
**Ғ.САЙДУЛЛАЕВ,**
**О.НОРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

# Ҳукуматлараро комиссия мажлиси

(Боши 1-бетда)

Ўзбекистоннинг вилоятлари билан Россия субъектлари ўртасида бевосита ҳамкорлик алоқалари кенг йўлга қўйилган. Ўзбекистонда Россиянинг 82 фирма ва компанияси ваколатхона очган.

Ўзбекистоннинг Россиядан импортини асосан механик жиҳозлар, металл, электротехника, транспорт воситалари, ёғоч ва ёғоч маҳсулотлари, дори-дармон сингари товарлар ташкил этади. Ўз навбатида, мамлакатимиз Россия бозорига транспорт воситалари, пахта толаси, газлама, нефть-газ, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари каби кўплаб турдаги товарларни етказиб бермоқда.

Ёқилғи-энергетика соҳаси Ўзбекистон-Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг етакчи бўғинларидандир. Айни пайтда «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан Россиянинг «Лукойл» ва «Газпром» очиқ акционерлик жамиятлари ўртасида имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон нефть-газ саноатига 2,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилишини кўзда тутади.

Ҳукуматлараро қўшма комиссия мажлисида томонлар мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг бугунги ҳолатини таҳлил қилиб, истиқболда уни янада тараққий эттириш, ёқилғи-энергетика мажмуи, самолётсозлик, транспорт ва коммуникация, энергетика, банк соҳаси ва иқтисодиётнинг бошқа қатор йўналишлардаги алоқаларини янги босқичга кўтаришга келишиб олдилар. Хусусан, иқтисодий ҳамкорликни жадаллаштириш учун шарт-шароитни янада такомиллаштириш, Чирчиқ авиаремонт заводи негизида «ЎзРосАвиа» қўшма корхонасини тузиш, Ўзбекистон пахта толасининг тўғридан-тўғри етказилишини таъминлаш мақсадида Россияда консигнацион омборлар ташкил қилиш, пахта толаси ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун қўйилаётган тариф ставкаларини камайтириш, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги алоқаларни кенгайтириш, жумладан, Қарши ва Аму-Бухоро магистрал каналларини реконструкция ва модернизация қилиш, сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш, қўшма корхоналар сонини кўпайтириш масалалари атрофлича муҳокама этилди. Икки мамлакат вазирлик ва идоралари учун тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Россия ҳукуматлараро комиссиясининг мажлиси 11 октябр куни ўз ишини якунлайди.

**Фазлиддин АРЗИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

# Ҳақиқат эгилади, лекин синмайди

(Боши 1-бетда)

Бундан бир неча кун олдин судланувчи Муҳаммадшокир Ортиқов ўз кўрсатмасида Андижон шаҳрида «Акромийлар» устидан суд жараёни давом этаётган пайтда улардан йигирма икки нафари эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олингани, бир киши эса очиқда қолдирилгани хусусида аниқлик киритди. Судда қамоққа олинганлар панжара ортида, Равшан Азимжонов эса очиқда, улар билан ёнма-ён ўтирган.

«Ташқарида бўлаётган барча гап-сўзларни у бизга айтиб турарди, - дейди М.Ортиқов. - Ўша пайтда унинг гапи бўйича биз дастлабки кўрсатмаларимиздан тондик. Кейинчалик билсак, шундай қилишни хорижлик журналистлар ўргатган экан».

Аксарият гаровда бўлган жабрланувчилар ҳам ўз кўрсатмаларида бир неча хорижий журналистни кўрганини, улар гаровдагиларга (гарчанд жангарилар бегуноҳ кишиларга ғайриинсоний муомала қилаётган, уларни қийноққа солаётган, уриб-тепкилаётган бўлса-да) парво қилмай ўтиб кетганини, фақат «штаб» аъзолари билан гаплашганини айтиб берди.

«Айби борнинг тиззаси қалтирайди» деганларидек, Андижонда содир этилган террорчилик ҳақида бўҳтон ва уйдирмалар тарқатган, мазкур воқеаларни ноҳолис ёритиш бобида «чаққонлик кўрсатган» айрим чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари «ҳукумат ишлагани қўймаяпти» деган баҳонага «ҳомийлари»ни лаққа ишонтириб, юртимиздан жуфтакни ростлаб қолди.

Суд жараёнларини ёритиш истаклари инобатга олиниб, бунинг учун зарур шарт-шароит яратиб берилган баъзи хорижий мухбирлар эса аввалига иштирокчиларнинг Олий суд биносига кириши қийин кечаётгани, улар «учта жойда текширувдан ўтказилиб, кейин суд залига қўйилаётгани»дан «ташвиш» билдирдилар. Ҳолбуки, террорчиликда айбланаётганлар устидан суд олиб борадиган мамлакат тегишли хавфсизлик чораларини кўриши нафақат табиий ҳол, балки зарурий чорадир.

Кейинчалик - судланувчилар иқрорий кўрсатмалар бера бошлагач, хориж мухбирларининг ахборот хуружи уларга ҳам қарши қаратилди. Бу, бир томондан, анча-мунча сирларни «гуллаб» қўя бошлаган айбланувчиларнинг оғзини ёпиш, иккинчи томондан, ҳали якунига етмаган суд жараёнларига таъсир ўтказишга уринишдан бошқа нарса эмас.

Ҳатто баъзи хорижий манбалар куни кеча ўзлари бутун дунёга «зиёли тадбиркор», «тинч намойишчи», «ҳукуматдан жабр кўрган одам» сифатида талқин этган, бугун эса суднинг қора курсисида жиноий қилмишларини тан олиб, айбига иқрор бўлиб, пушаймон қилиб турган судланувчилардан бири - Таваккалбек Ҳожиевни «Акромийлар» аъзоларига нотаниш шахс, «ҳукуматнинг одами» қабилида уйдирма тўқиб тарқатишгача борди.

Назаримизда, Т.Ҳожиев ўзи сафида бўлган жангариларни қўллаб-қувватлаган ташқи кучлар, хусусан, муайян давлатлар, халқаро ташкилотлар вакиллари, инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари, журналистлар билан ўзаро хуфя мулоқотлар ҳақида бошқа судланувчиларга нисбатан анча очиқ кўрсатмалар бергани учун шу тариқа «жазоланди».

Навбатдаги суд мажлисида Ҳ.Шокировдан: «Ҳожиев Таваккалбекни танийсизми?» деб сўралди ва мазкур саволга у: «Ҳа, танийман, чунки у билан бир мактабда бир синф фарқ билан олдинма-кейин ўқиганмиз», деб жавоб қайтарди. Ҳ.Шокиров айбланувчилар орасидан Т.Ҳожиевни кўрсатиб берди. Бу савол-жавоб айрим оммавий ахборот воситалари тарқатган «Таваккалбек Ҳожиев -ўйлаб топилган шахс» қабилидаги даъволарга ўзига хос жавоб бўлди.

Ахборот - қудратли қурол. Бу эса ана шу қурол соҳиблари зиммасига катта масъулият юклайди. Аввало, журналист доим ақл-идрок билан иш юритиши, холис бўлиши, касб одоби ва шаъни, инсоний виждон каби муҳим мезонларга амал қилиши тақозо этилади. Айниқса, ҳақиқат - журналистиканинг устувор қоидаси ва унга риоя этиш шарт.

Афсуски, Андижон воқеалари юзасидан бўҳтон тарқатиш, бошқача айтганда, юртимизга қарши ахборот хуружи ҳали ҳам давом этмоқда. Ҳозирги кунда айрим хорижий оммавий ахборот воситалари тўқиётган уйдирмаларнинг асосий мазмуни шундайки, гўё Тошкентдаги суд жараёнида судланувчилар, жабрланувчилар, уларнинг вакиллари, гувоҳлар бераётган барча кўрсатмалар -ёлғон, фақат чет элларда дарбадар юрганлар рост гапираётган эмиш.

Аслида бу даъвода зиғирча ҳақиқат ё холислик тугул, оддий мантиқ ҳам йўқ. Зотан, очиқ суд жараёнида судланувчилар қилмишига яраша адолатли жазо олиши муқаррарлигини тўла ҳис қилган ҳолда, ўз ихтиёри билан иқрорий кўрсатмалар бермоқда. Жабрланувчилар, гувоҳлар судда ёлғон кўрсатма бергани учун жавобгарликка тортилиши ҳақида оғзаки ва ёзма тартибда олдиндан огоҳлантирилаётир.

Сўз берилганлар ўзини тўлиқ таништираяпти, суд мажлиси қатнашчилари (улар орасида чет эллик журналистлар, хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам бор) уларни бемалол кўриб, аҳвол-руҳиясини кузатиб турибди. Ҳар гал саволлар туғилганида, суд раиси ва суд аъзолари, давлат қораловчилари ва адвокатлар, ҳатто жабрланувчи ва гувоҳлар, судланувчилар иштирокида тафсилотлар тўла ойдинлаштириб олинаётганига барча гувоҳ бўлмоқда.

Энди ўзингиз айтинг, хорижда бировларнинг хоҳиш-иродасига тобе ва муте яшаётган, айни чоғда шахси кимлиги, Андижон воқеаларида иштироки нечоғли экани бутунлай қоронғу қандайдир аламзада - «Н» исмли шахсдан олинган шубҳали интервью суддаги очиқ ва ошкора кўрсатмаларга нисбатан ишончли бўлиши мумкинми? Боз устига, дарбадар юрганларга ҳеч ким руҳий, маънавий, моддий тазйиқ ўтказмаяпти, деган чўпчакларга ёш бола ҳам ишонмайди. Шундай экан, уларнинг номидан тарқатилаётган ҳар қандай ахборот холис ва ҳаққоний эканига ҳеч қандай кафолат йўқ.

Бугун Андижондаги террорчиликда айбланувчилар ҳақли равишда одил суд олдида жавоб бермоқда. Айни чоғда айрим ашаддий ижрочилар, кўп сирлардан хабардор кимсалар ўзга юртларга қочиб улгурди. Уларнинг аксарияти «ҳомийлари» паноҳида. Мўлжал қилинганидек, энди улардан Ўзбекистонга қарши ахборот хуружида восита сифатида фойдаланилмоқда.

Ёлғон суварақдек кўпаймоқда. Аммо инсоният тарихидан маълумки, ёлғоннинг умри қисқа. Халқимиз ибораси билан айтганда, ҳақиқат эгилади, лекин синмайди. Буни Тошкентда давом этаётган мазкур суд жараёни ҳам исботлаб турибди.

**Ғулом МИРЗАЕВ,**
**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**



# “Ватанимга хизмат қиламан”

***Маълумки, шу йилнинг 3 сентябрида мамлакатимиз Президентининг “Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида”ги қарори эълон қилинди.***

Айни пайтда эса юртимиз бўйлаб ана шу қарорнинг ижроси юзасидан амалий ишлар бошлаб юборилган.

Шуни таъкидлаш кераки, бундай тадбирлар ўзига хос байрам тусига кирмоқда. Чунки бугун муддатли ҳарбий хизматда бўлиш ҳар бир йигитнинг орзусига айланди. Бунга, аввало, сўнгги йилларда Қуролли Кучларимизда ўтказилган ислоҳотлар сабаб бўлди. Бу даврда мақсад ихчам, қулай, ҳаракатчан ва профессионал армияни шакллантиришга қаратилди. Шу боис эндиликда чақирилувчи муддатли ҳарбий хизматга бориш учун бир қанча синовлардан ўтмоғи шарт. Талаблардан муваффақиятли ўтсагина, у келгусида аскар, деган мақомга эгалик қилади.

– Биласизми, ҳозирда ҳарбий бўлишнинг ўзига яраша масъулияти, обрў-эътибори бор, – дейди чақирилувчининг отаси Юнусали Ҳотамов. – Шу боис ҳарбий хизматга бориш учун ўғилларимиз олдиндан пухта тайёргарликка эга бўлса ютқазмайди. Ўғлим Озоджон ҳам мактаб давридаёқ ҳарбий бўлишни ният қиларди. Шунинг учун ёшлигидан спортнинг кураш тури бўйича мунтазам шуғулланиб, ўзини чиниқтириб келарди. Шукрки, унинг

**ЙИГИТ ОМОН БЎЛСА...**

нияти амалга ошиб, бугун уни Термизга хизматга жўнатаяпман. Бундан албатта, ҳаммамиз хурсандмиз. Негаки, Паркент тумани йигитлари орасидаги танловлардан саноқлилар қаторида ўғлимиз ўтибди. Бу билан фахрлансак арзийди. Худо хоҳласа, яна бир йилдан сўнг уни мана шундай кўтаринки кайфиятда кутиб олишимизга ишонаман...

– Ҳарбий тизимдаги ўзгаришлар хусусида гап кетганда, биринчи навбатда ҳукуматимизнинг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонунига тўхталмоқ жоиз, – дейди Бухоро вилоят Мудофаа ишлари бошқармасининг чақирув бўлими бошлиғи, подполковник Баҳодир Бойхонов. – Чунки 2002 йили ушбу қонун қайта ишлаб чиқилганидан сўнг бу борадаги туб ислоҳотларга замин яратилди. Ёшларни саралаб олишга киришилди. Танловда йигитларнинг билим савияси, жисмоний ҳолати, руҳий-асаб чидамлиликлари жиддий кўрикдан ўтказилмоқда. Буни мен худди олий ўқув юртига имтиҳон топширишга ўхшатаман. Демак, ким кучли, билимли ҳамда ҳар томонлама етук бўлса, у ҳарбий хизматга муносиб.

Бундан ташқари, муддатли ҳарбий хизматда ўзининг тиришқоқлиги, берилган вазифаларни аъло уддалаган аскарларга алоҳида эътибор қаратилиб, уларга ҳарбий қисмлар томонидан махсус тавсияномалар берилаётгани ҳам аҳамиятга молик жиҳат. Бу эса уларга келгусидаги ишида ҳам, ўқишида ҳам катта имкониятларни беради.

Хуллас, Ватанга хизмат қилиш муқаддас бурч бўлиш билан биргаликда юксак ғурур, шон-шараф туйғусига айланиб қолди. Бу эса юртимиздаги ҳар бир ёш йигит қалбида акс-садо бермоқда. Айни кунларда қизғин давом этаётган кузги чақирув ана шуни яққол кўрсатиб турибди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

# Қашқадарёнинг катта карвони

(Боши 1-бетда)

– Иш сифатли бўлса, етиштирилган маҳсулот ҳам сифатли бўлади-да, – дейди Миришкор туманидаги “Янгибой” фермер хўжалиги раиси Мухтор Шаропов. – Яқинда Президентимиз Қорақалпоғистонда бўлганларида бир ибратли гапни айтдилар: “1 гектар ердан фалон центнер ҳосил кўтардим, қабилидаги гаплар энди тош босмайди. 1 гектар ердан қанча даромад қилганингни ҳисоб-китобини қил”, дедилар. Агар маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари юқори бўлса, 1 гектар ер даромади ҳам ортади-да. Масалан, мен 1 гектар ердан камида 1 миллион сўм фойда олишни кўзлаяпман. Чунки пахтанинг 100 фоизини биринчи навга сотишга муваффақ бўлдим.



Воҳада 17 мингдан зиёд фермер хўжаликлари фаолият юритмоқда. Шундан бу йил 13 мингдан зиёди бевосита пахтачилик соҳасида меҳнат қилишаяпти. Қарши туманидаги “Жаҳонгир”, “Улуғбек”, Косон туманидаги “Сайёд”, “Дилмурод Омонов”, “Равшанқул ота”, “Соҳибкор”, Нишон туманидаги “Хўжаёр ота”, “Нишонбеков Олимжон”, “Миролим”, “Рўзиева Адолат”, Миришкор туманидаги “Жумаев Бекназар”, Муборак туманидаги “Абрўй бобо”, “Нуриддин”, “Саид Исломбек” каби бир қатор фермер хўжаликларида шартнома мажбуриятлари 150-200 фоизга адо этилди.

Ўтган йили паст рентабелли 61 та ширкат хўжалиги қайта ташкил этилиб, ерлари фермерлар ихтиёрига берилганди. Мазкур ҳудудларда ҳосилдорлик гектарига 5-10 центнерга ортгани кузатилди. Умуман, бу йил Нишон, Косон туманларида ерлар тўлиқ фермерларга тақсимланди. Бу эса ўз натижасини кўрсатди. Масалан, сурункасига ўн йил шартнома режаси бажарилмаган Нишон туманида охирги икки йилда мўлжалдагидан анча мўл пахта саранжомланди. Косонлик фермерлар эса 90 минг тонналик хирмонни тиклашга ҳаракат қилмоқдалар. Бошқача айтганда, воҳа хирмонининг кўп қисми фермерлар томонидан яратилгани боис, келадиган даромаднинг кўпи фермерлар чўнтагига тушади. Бу йил пахтачиликнинг ўзидан 60 миллиард сўм даромад кутилаяпти.

Жорий йил қашқадарёлик пахтакорлар ўтган йилга қараганда, икки кун олдин маррага етиб келдилар. Эндиликда воҳа деҳқонларининг шиори битта: Пахтани эртачи етиштириш ва эрта териб олиш. Бу нарса ҳар жиҳатдан муҳим. Деҳқон даласининг оппоқ тусга кириши учун озмунча меҳнат қилдими? Уни ёғин-сочинга қолдириш увол эмасми? Буни яктаги ҳўл бўлиб меҳнат қилган деҳқондан сўранг. Шунинг учун бу йил вилоят фермер ва ширкат хўжалиги раҳбарлари теримчи ҳамда ҳашарчилар билан чинакамига шартнома тузиб, ҳуқуқий ҳужжат асосида иш олиб бормоқдалар. Бу усул самараси яққол сезилди. Бировбировни пахта теришга ундамайди. Кимга пул керак, марҳамат, пахта терсин.

Вилоятда иқлимга, тўпроқ шароитларига мос навлар танлангани қўл келди. Деҳқонлар ҳам буни эътироф этиб, олимларга миннатдорчилик билдирмоқдалар. Биргина мисол. Касби туманида бу йил 13 минг гектар пахта майдонининг 10 минг гектарига янги “Бухоро-8” навли чигит экилганди. Янги нав ўз афзаллигини намоён этиб, ҳосилдорлик ўтган йилга нисбатан 5-6 центнерга ортди. Энг асосийси, касбиликлар воҳада биринчи бўлиб зафар қучдилар.

Бу йилги шароитда 167 минг гектар майдоннинг 130 минг гектарига “Бухоро-6”, 10 минг гектарига “Бухоро-8” ва 25 минг гектарига “Наманган 77” навли чигит экилди ва 2 минг гектарига бошқа нав ғўза парваришланди.

Дарҳақиқат, қашқадарёликлар зафар маррасини забт этиб, юзлари ёруғ бўлди. Касби, Қарши, Нишон, Косон, Миришкор туманлари пахтакорлари бу ютуққа муносиб ҳисса қўшдилар. Далалардаги ҳосил салмоғи эса ялпи хирмон салмоғини 500 минг тоннага етказиш имкониятини бермоқда. Бу довон ҳам эгалланса, ҳақиқий маънода Қашқадарё пахтачиликда карвонбоши эканлигини намоён этади.

**Фахриддин БОЗОРОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

**НАВОИЙ:**

# Фермерлар улуши – 70 фоиз

(Боши 1-бетда)

–Минерал ўғит ва ёнилғимойлаш маҳсулотларининг мунтазам етказиб берилишини қатъий назоратга олганлиги сув таъминотининг барқарорлиги, маҳаллий ер шароити учун керак бўлган зарур техникаларнинг олиб келиниши, айниқса, қишлоқ хўжалиги ходимларига иш ҳақларининг ўз вақтида бериб борилиши мўл ҳосил етиштиришга замин яратди, - дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Акрам Алиқулов.

Тармоқда икки омилга қатъий амал қилинмоқда. Агротехник тадбирнинг ўз муддатида ва сифатли адо этилишига эътибор кучайтирилди. Буларнинг барчаси ўз самарасини берди ва шартнома режаси муваффақиятли ташкил этди. Хатирчи туманидаги “Гўзал Маржона”, Камолиддин Турсунов номли фермер хўжаликлари эса гектаридан 40-45 центнердан пахта ҳосили етиштиришга муваффақ бўлдилар.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан бу йил вилоятдаги паст рентабелли ва иқтисодий ночор ўнта ширкат хўжаликлари тугатилиб, улар ўрнида ташкил этилган фермер хўжаликларининг деярли барчаси ўз шартномавий режаларини бажариб, олдингига нисбатан 7 минг тоннадан кўпроқ пахта хомашёсини етказиб берганликлари қувонарлидир.

–Бу йил ерга чигит ташлашдан олдин навларнинг тозаланишига эътибор кучайтирилди. Барча агротехник тадбирлар ўз вақтида ўтка-



уддаланди.

Иқлими мураккаб, ерларининг шўрланиш даражаси юқори, сув билан боғлиқ танқисликлари бор шароитда яхши натижага эришган баҳодирлар кам эмас. “Учқун”, “Калманбой” фермер хўжаликлари ва “Шўркўл” ширкати ҳар гектар пахта майдонидан ўртача 35-40 центнердан ҳосил олган бўлса, Қизилтепа туманидаги “Деҳқонобод”, “Варозун”, “Зармитан”, Қосим Қобилов номли ширкат хўжаликларида ҳамда “Ахтам бобо”, “Ғардиён юлдузи”, “Азамат Комил”, “Неъмат Барно”, “Зарафшон-97”, “Рустам Ражаб”, “Эргаш Қаҳҳор” фермер хўжаликларида ҳосилдорлик ўртача 55-60 центнерни зилди,- дейди фермер хўжаликлари уюшмаси Навоий вилояти филиали кенгаши раиси Фарҳод Тўхтаев. - 2600 фермер хўжалиги вилоят хирмонига 74 минг тонна дурдона топширди. Бу Навоий пахтасининг қарийб 70 фоизини ташкил этади.

Қизилтепа туманидаги “Валиобод”, “Ўзбекистон”, Навбаҳор туманидаги “Янги ер”, “Жаҳон бобо”, Кармана туманидаги “Давр”, “Лочин”, “Шерзод”, Хатирчи туманидаги “Ил-2000” каби юзлаб фермер хўжаликлари шартномавий режаларини 2-2,5 бараварга бажардилар.

Эл эъзозини қозонган, фидойилиги ва тажрибакорлиги билан одамлар тилига



тушган фермерлар жуда кўп. Улардан бири Навбаҳор туманидаги “Янги ер” фермер хўжалиги раиси Тоғай Раҳматовдир. У ҳозиргача 62 гектар пахта майдонидан 260 тонна ҳосил олишга эришди. Бу гектар бошига 42 центнерни ташкил этади.

–Ҳали даламизда ҳосил мўл, - дейди у. – Яна 70 тонна пахта йиғиб оламиз. Ўшанда ҳосилдорлик гектарига 53 центнерга тўғри келади. Ахир, бир йилда қўриқ ердан 330 тонна ҳосил олиш чинакам мўъжиза-ку.

Ақрабнинг офтобли кунида қўли қаварган, кўзлари киртайган бўлса-да, ҳаракати шиддаткор, юзидан нур ёғилиб турган Тоғай Раҳматов қувончидан энтикиб:

–Биласизми, умрим бино бўлиб, бу йилгидек пахтанинг шода-шода очилганини эслайолмайман. Сентябрнинг 12 иш кунида режани бажарди. Буларнинг барчаси завқлантириб, белга қувват бериб, умрга умр қўшаркан.

Юрак қатидан вулқондек отилган бу сўзларни нафақат Тоғай Раҳматовда, балки навоийлик ҳар бир пахтакорнинг қўшиғи бўлиб қолгандек туюлади. Меҳнатдан шон топиш, ўз мамлакати бағрини яшнатиш, юртни обод айлаш ҳар бир ўзбекистонликнинг шарофатли меҳнати туфайлидир.

Вилоят пахтакорлари ўз имкониятларини чамалаб чиқиб, қўшимча равишда ўн минг тоннадан ортиқроқ пахта хомашёси етказиб бериш учун қизғин иш олиб бормоқдалар.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

МУКА 1 сорт 199,4 ▼ - 0,7 | МУКА 2 сорт 180,0 ▼ - 0,3 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0754 840,0 ▼ - 1,0 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 843,5 ▼ - 54,8 | ПОЛИЭТИЛЕН I1561 976,1 ▲ + 77,4 | КАРБАМИД 155,3 ▲ + 0,3



# Отажоннинг оташин қўшиқлари

(Боши 1-бетда)

Аксинча, ҳар бир ижодкор талқинида бу ўлмас дурдоналарнинг янги-янги қирралари очилиб бораверади. Мақом ёқимли, гўзал овозда эшитилганда эса, чинакам санъат мўъжизаси содир бўлади. Шу ўринда бир кекса мухлисдан эшитган байт хаёлимга келади:

Беҳунарга асло таслим бўлмасдир мақом,
Ҳофизи шоҳ эрса, унга ғуломдир мақом.

Дарҳақиқат, мақом тилсимини оча билмак, ҳар кимга ҳам насиб қилавермас. Ижрочи соҳиби ҳунар бўлса, мақом ўз бойликларидан ҳофизни ҳам, эшитувчини ҳам баҳраманд қилиб бораверади. Раҳматли Орифхон Ҳотамов устози Жўрахон Султоновнинг бир гапини кўп эслар эди: "Ҳофиз ашулани от қилиб миниб олиши лозим, токай у ижрода кўнгли истаган амални қила билсин". Отажон ҳам ашулани жиловлаб олиб, овозини баралла қўйиб, тикдан-тик авжлар, кутилмаган нолаю баланд хонишлар қиларди. Энг муҳими, унинг юрак созига овози ярашиб тушиб, ҳар қандай тингловчини ҳам беихтиёр жалб этарди. Ҳожихон ҳофиз отамнинг устози, Комилжон ака эса яқин дўсти бўлганлигидан бу улкан санъаткорлар суҳбати, меҳридан бироз бўлса-да, баҳрамандлик топганимдан бахтиёрман. Отажон эса яқин дўстим, улфатим эди. Ҳаёт синовларида ҳамдард бўлганмиз. Умр дафтарига битилган унутилмас ва ҳайратомуз воқеалар, хотиралар ҳам ундан ёдгор бўлиб қолган. Шулардан бир-иккисини эслаб ўтсам.

1983 йилда II Халқаро Самарқанд мусиқа симпозиумига қизғин тайёргарлик кетаётган эди. Ундан олдинги симпозиумда ўзбекистонлик санъаткорлар мақом йўлларидан ва "катта ашула" ижро этиб, олқишларга сазовор бўлган эдилар. Энди симпозиумда ўзбек санъатининг бошқа бир қирраларини намоён этиш мақсад қилинди. Кўпчиликнинг маслаҳати билан "Сувора" йўллари танланди ва уни Отажон ижро этишига тўхталинди. Шунда Отажон – "Ҳожи усто, Рўзмат усто бор жойда, менга "Сувора" айтишни ким қўйибдир" дегани эсимда. Хуллас, катта санъаткорларнинг эътирофи ва таклифи билан Отажон "Сувора" айтадиган бўлди. Халқаро анжуманда иштирок этиш учун у жиддий тайёргарлик кўрди. Устозлардан сабоқ олиб, уларнинг дуои фотиҳасидан кейин ҳофиз саҳнага чиқди. Натижа кутилганидан ҳам зиёда бўлди.

Яна бир воқеа. 1987 йилда Юнус Ражабий номидаги II Республика мақомчилар кўригига Отажон ҳайъат аъзоси сифатида таклиф этилди. Санъаткор учун бундай нуфузли анжуманда қатнашиш катта шараф ва айни чоғда масъулият эди. Мутаваккил Бурҳонов, Фаттоҳхон Мамадалиев ёнида ҳайъат аъзоси бўлишлик кейинчалик Отажоннинг ўз ижодий салоҳиятига янада жиддий қарашга ундади. Хусусан, унда дастуридаги сара қўшиқларни, мақом ва сувора йўлларининг мукаммал овоз ёзувларини яратиш иштиёқи туғилди. Бир қанча мусиқий видеофильмлар суратга олинди. Эндиликда бу ёзувлар барҳаёт мерос бўлиб халққа хизмат қилмоқда. Умрининг охирги йилларида, бетоблигини айтиб, яхшиям ўз пайтида бу ёзувлар ҳозирланганлиги ҳақида кўз ёши билан гапиргани ҳали ҳам эсимдан чиқмайди.

Яқинда "Мусиқа" нашриёти томонидан чоп этилган "Отажоннинг оташин қўшиқлари" китоби ҳам унинг бебаҳо меросини абадийлаштириш борасида савобли иш бўлди. Китобни варақлаб, ҳофизнинг бир-биридан гўзал ва оҳанграбо қўшиқлар ижро этганига гувоҳ бўласиз. Булар элимиз маънавиятининг дурдоналаридир. Қўшиқлар матни билан бирга нота ёзувлари берилгани нур устига нур бўлган.

Дунёнинг ишлари шундай. Айтишга ўз сўзини топиш, ўзидан сўнмас мерос қолдиришга интилганлар кўп бўлади. Лекин бу дунё шуҳратини ўйламасдан, бутун вужуди билан санъатга, халқига самимий хизмат қилганларнинг руҳи ҳамиша шод, номи эл орасида яшаётганини ғойибона кўриб турса, ажаб эмас. Отажон ҳеч қачон шуҳратга, олқишга интилмади. У оддий, чинкўнгил одамларни жону дилидан яхши кўрар, руҳини кўтарар, кези келганда ўзини унутиб, улар ҳақида қайғурар эди. У ўз сўзини, ўз қўшиғини махсус ахтармади, дилига Амудай қуйилиб келган илҳом билан куйлади. Халқига беминнат хизмат қилиб, эътибор топди. Санъат оламида ўз қўшиғи, ўз йўлини топишга муяссар бўлди, санъатимиз хазинасини бебаҳо дурдоналар билан бойитди.

**Отаназар МАТЁҚУБОВ,**
**мусиқашунос.**


Республикамизнинг энг йирик ва нуфузли банкларидан бири

Акциядорлик-тижорат "Пахта Банк"



Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги инфратузилмасида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган деҳқон ва фермер хўжаликлари, ширкатлар ва уларга хизмат кўрсатувчи муқобил машина трактор парклари хизматчиларини давлат буюртмаси бўйича шартнома режаларини бирин-кетин бажариб келаётганликлари билан муборакбод этган ҳолда иқтисодиётнинг асосий негизларидан бўлган мазкур соҳани янада тараққий эттириш ҳамда молиявий қўллаб-қувватлаш, хусусан моддий-техника базасини бойитиш мақсадида Сизларга жойларда фаолият кўрсатаётган 183 та филиаллари ҳамда 469 та мини банклари орқали қулай шартларда лизинг хизматини таклиф этади!

"Пахта Банк" лизинг хизмати орқали Сиз



- ҳайдов тракторлари
- тракторлар ва тиркагичлар
- сеялкалар
- культиваторлар
- пуркагичлар
- плугларни



харид қилишингиз мумкин!

Лизинг хизматининг муддати 3 йилдан 6 йилгача бўлиб, чегараланмаган миқдорда амалга оширилади.

"Пахта Банк"нинг қулай ва манфаатли хизматларидан фойдаланинг ва имкониятларингизни янада кенгайтиринг!



"Пахта Банк" муваффақиятингиз калитидир!





## Умидимиз ҳали сўнгани йўқ

***8 октябр куни кўпчилик футбол мухлис ва мутахассислари томонидан ҳаяжон билан кутилган Ўзбекистон – Баҳрайн ўртасидаги плей-офф ўйини такроран ўтказилди.***

Учрашув натижасидан аллақачон футбол ишқибозлари хабардор бўлишган. Шундай бўлса-да, кескин курашлар остида ўтган ўйин жанговар дуранг (1:1) билан якунланганлигини яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз.



Ўйин тафсилотларига келсак, шу куни майдонга тушган ҳар икки терма жамоа ажойиб футбол намойиш этди. Нисбатан устунлик вакилларимизда бўлган бўлса-да, ҳисоб барибир ўзгармади. Шунингдек, омад бир томондан биздан бироз юз ўгиргандек ҳам бўлди. тўпнинг икки бор дарвоза устунига тегиб, қайтиши ҳам бу фикримизни қайсидир маънода исбот қилади.

Келинг, шу ўринда ўйиндан сўнг ўтказилган матбуот-анжуманида бош мураббийларнинг сўзларини эътиборингизга ҳавола қилсак. Лука Перузович, журналистлар саволларига жавоб берар экан, шундай деди: "Менинг жамоам энг яхши жамоадир! Биз бугун зўр ўйнадик. Бизнинг гол ҳам чиройли бўлди. Натижа мени қониқтиради". Бельгиялик мутахассиснинг бу сўзлари бизни бироз ажаблантирсада, рақиб ўзига керакли натижани қўлга киритди. Бундай масъулиятли ўйинлардаги сафарда қўлга киритилган дуранг ҳам ғалабага тенг қиймати бор.

Боб Хоугтон эса 1:1 ҳисобидан ҳали фожеа ясамаслик керак, деган фикрда. "1:1 бу биз учун, албатта, яхши натижа эмас. Бироқ, ҳали ҳаммаси ҳал бўлмади ҳам. Жавоб ўйини барча масалага ойдинлик киритади".

Ҳозир барча мулоҳазаларимизни четга суриб, 12 октябр куни Манама шаҳрида бўладиган жавоб ўйинида йигитларимизга омад тилашдан бошқа чорамиз йўқ. Учрашув Манама миллий ўйингоҳида 22:00 да бошланади (Тошкент вақти билан бу 00:00 га тўғри келади).

## Энг яхши футболчи ким?

***Осиё Футбол Конфедерацияси расмий Интернет сайтида қитъанинг "2005 йилдаги энг яхши футболчиси" бўлиши мумкин бўлган чарм тўп усталари рўйхатини эълон қилди.***



Унда уч нафар саудиялик, икки нафардан Япония, Эрон, Жанубий Кореядан ҳамда Ўзбекистон терма жамоаси ҳужумчиси Максим Шацких ҳам ушбу номга сазовор бўлувчилар рўйхатига киритилган. Қитъанинг энг яхши футболчисини Осиёдаги 45 мамлакат терма жамоалар мураббийлари ҳамда Конфедерация ижроия қўмитаси таркибидаги 20 нафар аъзо овоз бериш йўли билан аниқланади.

"2005 йилда Осиёнинг энг яхши футболчиси" номига даъвогарлик қилаётган футболчилар билан танишинг:

Максим Шацких: Ўзбекистон, ("Динамо" Киев, Украина)

Сами Ал-Жабр: Саудия Арабистони, "Ал-Хилол" (Саудия Арабистони)

Хамад Ал-Мухташорий: Саудия Арабистони, "Ал-Иттиҳод" (Саудия Арабистони)

Али Каримий: Эрон, "Бавария" (Германия)

Ли Юнг Ре: Жанубий Корея, "Тоттенхэм" (Англия)

Хидетоши Наката: Япония, "Болтон" (Англия)

Жавад Некунам: Эрон, "Пас" (Эрон)

Парк Жи Сунг: Жанубий Корея, "Манчестер Юнайтед" (Англия)

Мабрук Зайд: Саудия Арабистони, "Ал-Иттиҳод" (Саудия Арабистони)

Шунсуке Накамура: Япония, «Селтик» (Шотландия).

Ғолиб футболчи 30 ноябр куни Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда тантанали равишда тақдирланади.

## "Toshkent open" – янги иқтидорлар мактаби

***Тошкент теннис маркази кортларида 3-9 октябр кунлари ўтказилган "Toshkent open" хотин-қизлар турнири якунланди.***

Аҳамиятлиси, мазкур мусобақаларда иштирок этган ёш иқтидорли ракетка усталари кейинчалик нуфузли турнирларда ҳам муваффақиятли иштирок этмоқда. Бу Тошкент турнири айни дамда иқтидорли теннисчиларни саралашда ўзига хос мактаб вазифасини ўтаётганидан далолат беради.

Бу йилги мусобақалар кескин ва муросасиз курашлар остида ўтиши билан бирга ўзбек теннис мухлислари учун ҳам хуш кайфият улашди. Бунга асосан ҳамюртимиз Оқгул Омонмуродовани жиддий рақиблари устидан ғалаба қозониши ва финалгача етиб келганлигини асосий сабаб сифатида кўрсатишимиз мумкин.

Шу ўринда сўнгги вақтларда ўзининг ажойиб ўйинлари билан мухлис ва мутахассислар эътиборига тушаётган Оқгул юксак маҳорат ва иқтидор соҳиби эканлигини алоҳида таъкидламоқчимиз. Яқиндагина Осиё чемпиони бўлган Оқгул Омонмуродова "Toshkent open"нинг финалгача бўлган баҳсларида турнирнинг биринчи рақамли ракеткаси Екатерина Бичкова (Россия) ва Алёна Бондаренко (Украина), Мария Элена Камерин (Италия) каби кучли теннисчиларни мағлубиятга учрата олди.

Финалда эса голландиялик теннисчи Макелла Крайчекка қарши кортга чиқди. Дастлабки сетни рақибига бой берган ҳамюртимиз 2-сетда вазиятни тенглаштира олди. Лекин ҳал қилувчи 3-сетда Европа вакилининг қўли баланд келди. У "Toshkent open"нинг 2005 йилдаги чемпиони сифатида тан олинган бўлса, Оқгул WTA рейтингида ўзига керакли муҳим очколарга эгалик қилди.

1999 йилдан бошлаб йил давомида WTA ўтказадиган 63 турнирнинг бири сифатида тан олинган "Toshkent open" йилма-йил янги-янги номларни кашф қилмоқда. Бу йил "Toshkent open" ўнинчи бор ўз бағрига теннисчиларни жалб этди. 1996 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур мусобақа ғолиблари Г.Бартуш (Австрия), А.Гавальдон (Мексика), А.Смашнова (Исроил), И.Тўлаганова (Ўзбекистон), Б.Ламаде (Германия), М.Микаэлян (Швейцария), В.Паскуаль (Испания) ва Николь Вайдисова (Чехия)лар билан бирга Макелла Крайчек ҳам энди турнирнинг тарих зарварақларидан жой олди.

Биз эса "Toshkent open"нинг кейинги йилги финалида фақат ўзбекистонлик ракетка усталари бош соврин учун курашишини истаб қоламиз. "Toshkent open"нинг жуфтлик баҳсларида Мария Элена Камерин (Италия) ва Эшли Лоит (Франция) жуфтлиги россиялик теннисчилар Анастасия Родина ҳамда Галина Воскобоеваларни мағлубиятга учратиб, ғолибликка эришишди.

## Чемпион бўлолмади

***АҚШнинг Невада штати Лас-Вегас шаҳрида профессионал бокс кечаси ташкиллаштирилди.***

Кечанинг асосий жанги эса WBC енгил вазн тоифасидаги собиқ жаҳон чемпиони Хосе Луис Кастильо ва WBC ҳамда WBO чемпионлик камарлари соҳиби Диего Корралеслар ўртасида ўтказилди.

Жанг 4-раунддаёқ ўз ниҳоясига етди. Кастильодан кучли зарбани ўтказиб юборган чемпион рингга қулади. Мухлислар рефериннинг саноғи якунига етгунигача ўзига келмаган Корралес чемпионлик камарларидан маҳрум бўлди, деб ҳисоблашганди. Лекин вазндаги тафовут Кастильога чемпионлик камарини эмас, балки фақатгина мухлислар олқишинигина туҳфа этди, холос.



**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**


Тошкент шаҳар С.Раҳимов туманидан рўйхатдан ўтган "METAL-TA'MIR" шўъба корхонаси (ОКПО бўйича код 17636340) тугатилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: 397-42-72.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги ООО "МТ-ГАЗМОСЛАМА"га 2005 йил 21 сентябрда берилган ташкилотнинг номи қайд этилган № 26/18042 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги иқтисодиёт гимназияси томонидан Насриддинова Азиза Носировна номига берилган тўққизинчи синфни туғаллаганлиги тўғрисидаги И № 1299253 рақамли ҳужжат – шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Информация о намерении приобретения пакета акции более 15 % от Уставного фонда.
Инвестор СП "Химолай". Эмитент и его адрес: "OAJ "YOG'-MOY TA'MINOT" Тошкент шаҳар". г.Ташкент, ул.Э.-Мараимова, 50. Акции простые, именные безналичные. Кол-во 10443 шт., 25 % от Уставного фонда.

Информация о намерении приобретения пакета акции более 15 % от Уставного фонда.
Инвестор СП "Химолай". Эмитент и его адрес: "Tosh. vil. DORI-DARMON". г.Ташкент, ул.Хос Хожиб, 28. Акции простые, именные безналичные. Кол-во 41726 шт., 47,3 % от Уставного фонда.


Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси Жиззах вилоят давлат ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази раҳбари
**Раҳим ЕСЕНҚУЛОВ**нинг
бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси пахтачилик ва техника экинларини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдураҳмат Мубораковга укаси
**Икром РАҲИМОВ**нинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.


Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Озод ШАРОФИДДИНОВ, Ағитай АДИЛОВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Ғафур ШЕРМУҲАММАД.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-58-83, 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; 8-361-22-35-753; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-644-61; Жиззах – 8-372-22-606-34; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган - 8 – 369-41-234-23; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар
ⓗ -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: Ф.АБИЛОВ
Саҳифаловчилар: Р. ЁДГОРОВ, А. САФОНОВ
Мусаҳҳиҳ: М. БЕКИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

E-mail: kishlokhayoti@mail.ru

Буюртма Г-919, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00.
Босишга топширилди:
Адади -9380

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

2 3 4 5 6